

Ishonch

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Сиз илмга
бор-йўғингизни
бермагунингизча, у сизга
бирор нарса бермайди.

Имом Ғаззолий



Кун нафаси

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоси Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди. ***

Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Куньо Микурияни қабул қилди. ***



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 28 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи саммитида иштирок этиш учун амалий ташир билан Ашхобод шаҳрида бўлади. ***

Сеул шаҳрида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Корея Ҳукуматлараро қўмитаси (ҲҚ)нинг 11-йигилиши бўлиб ўтди. ***

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва туризмни ривожлантириш: назариядан амалиётга» мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. ***



Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Термиз туманидаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази стоматология хонасини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлади. ***



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова бошчилигидаги делегация Туркия давлатида бўлиб қайтди. ***



Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Мурат Камалов БМТ Тараққийёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Матильда Димовска, Япониянинг Ўзбекистондаги факулда ва мухтор элчиси Ёшинори Фуджияма, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Ю Юни қабул қилди. ***



Жорий йилнинг 24 ноябрь куни Тожикистон Миллий гвардияси қўмондони, генерал-лейтенант Бобожон Жамолзода бошчилигидаги делегация илк бор Ўзбекистонга расмий ташир билан келди. ***

Россиянинг Ярославль шаҳрида шорт-трек бўйича ўтказилган «Еш югурувчи» халқаро мусобақасида ҳамюртимиз Алимардон Маҳмудов икки йўналишда муваффақиятга эришди. ***

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Самарқанд вилояти

Ташаббускор талабалар эътиборда

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 15 НАФАР ФАОЛ, ТАШАББУСКОР ТАЛАБАСИ УНИВЕРСИТЕТ БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИРЛАНДИ.



Шавкат Акрамов олован суратлар

– Эътибордан жуда ҳам хурсандман, – дейди «Инсон ресурсларини бошқариш» факультети талабаси Жонибек Ҳамдамов. – Университетимиздаги ажойиб муҳит, илм-фанга бўлган интилиш менда олға боришга куч пайдо

қилади. Бунинг учун мутасаддиларга раҳмат. Совғаларни университет бошланғич қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Шавкат Маҳматмуродов, Ёшлар етакчиси Аллаёр Норбоев топширди.



Ташаббус

Навоий вилояти

«ЯШИЛ МАКОН»ГА МУНОСИБ ҲИССА

Навоий вилояти – саноатлашган ҳудуд. Улкан корхоналар узлуксиз ишлаш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши ҳам табиий ҳол.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасининг жорий этилиши вилоят аҳолиси учун айни муддао бўлди. Ҳар бир корхона ва ташкилотда, жамоада кўчат экиб, боғ яратишга ёппасига киришиди. Бунинг натижаси ўлароқ турли бинолар, кўчалар, жамоат жойлари, ариқ ва даладар атрофи тобора гўзаллашиб бормоқда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши жамоаси ҳам аввало ўз биноси атрофида, сўнгра тасарруфидида «Ишонч» болалар оромгоҳи ҳудудида мўъжазгина боғ яратишга киришди.

шароитига, об-ҳавосига мос келадиган турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари танлаб олинди. Сўнгра экиш ишлари бошлаб юборилди. Бир иш куни давомида мингга яқин, шу Ҳар бир корхона ва ташкилотда, жамоада кўчат экиб, боғ яратишга ёппасига киришиди. Бунинг натижаси ўлароқ турли бинолар, кўчалар, жамоат жойлари, ариқ ва даладар атрофи тобора гўзаллашиб бормоқда. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгаши жамоаси ҳам аввало ўз биноси атрофида, сўнгра тасарруфидида «Ишонч» болалар оромгоҳи ҳудудида мўъжазгина боғ яратишга киришди.

Боғ яратишдек савобли ишга қасаба уюшмалари кенгашининг барча аъзолари ўзининг муносиб ҳиссасини кўшмоқда.

Нормурод МУСОМОВ, «ISHONCH»

Келгуси сонларда ЎҚИНГ...



Буйруқ нега бекор қилинди?



Жавоб кутаётган саволлар

Мавзуга қайтиб...

Муаммо қоғозда ҳал бўлди

амалда эса ҳолат ҳамон ўша-ўша...

«Ishonch» газетасининг 2021 йил 28 октябрдаги 132-сонида «Лойиҳаси гўзал эди, амалда эса...» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Паркент тумани «Истиқбол» МФЙ, Алишер Навоий кўчасидаги кўп қаватли уйлардаги камчиликлар ҳусусида сўз борган.



Мазкур мақолага Тошкент вилояти ҳокимлиги муносабат билдирди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Мелиев имзоси билан йўлланган жавоб хатида «...Ушбу уйларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига болалар уйингоҳи, тандир ва ўчоқ қурилиш ишлари киритилмаган, туман ҳокимлиги ташаббуси билан болалар ва спорт майдончаси қурилган. Аҳоли томонидан мазкур ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Хонадон эгалари билан уйларнинг конструкцияларини ўзгартирмаслик юзасидан тушунириш ишлари олиб борил...»гани ҳақида сўз юритилган.

Аммо ўша мақолада асосий урғу берилган жиҳат – оқова сувлар учун мўлжалланган ариқларнинг аянчли қиёфасию, яшил маскан учун қолдирилган жойнинг абгор ҳолати ҳақида бир оғиз ҳам гапирилмаган. Демак, танқид остига олинган ҳудудда ҳеч нарса ўзгармайд.

Аслида биз мутасаддилардан мақолага муносабатни эмас, амалий ишларни кутгандик. Афсуски, масъуларнинг ҳолатга панжа орасидан қараб, муаммони хаспўшлаши аҳолига наф келтирмайди... Журналист бирон бир муаммони қаламга олар экан, кимнингдир обрўсига путур етказишни кўзламайди. Унинг ҳеч бир амалдорга хусумати йўқ. У шунчаки «Инсон қадрини учун» тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларга сая солаётган айрим камчиликларни оммага ошкор қилиш орқали муаммони бартараф этиш ва натижада аҳолининг мушуқлини осон қилиш ниятида қоғоз қоралайди, яхши ният илинжида жамиятдаги қусурларга кўзгу тутайди, холос.

Таассуфки, амалдорлар орасида енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб, ОАВда кўтарилган масалани «ўрнатилган тартибда» ҳал этаётганлари ҳам бор. Вилоят ҳокимлигидан келган жавоб хати бунинг яққол исботи.

Хуллас, гапни гапир уққанга... Паркент туманидаги масъуларга сўз айтишдан наф йўқ, чоғи...

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

«Ishonch» газетасига
Обуна бўлишни
унутмадингизми?
133

Обуна индекси:



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раис ўринбосарини сайлаш, Республика кенгаши ва Ижроия қўмига таркибига ўзгартириш киритиш каби масалалар кўриб чиқилди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Мажлиси Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Анваржон Абдумухторов олиб борди.

– Сўнги йилларда тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижасида юздан ортиқ вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада тармоқ касба уюшмаси аъзолари сони яна 200 минг нафарга кўпайди. Улар орасида Ички ишлар, Божхона ва Миллий гвардия каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг борлиги, айниқса, қувонарли, – деди Анваржон Абдумухторов. – Ўз-ўзидан аёнки, нуфузли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлигимизнинг сифат ва самардорлигини янада ошириш, касба уюшмаси хизматини янги босқичга кўтариш Республика кенгашида кўшимча лавозим ва штат бирлигини очишни тақозо этмоқда.

Йиғилиш асноси лавозимига кўп йиллар прокуратура тизимида самарали меҳнат қилган ва фаолияти давомида кўплаб ютуқларга эришган, 3-даражали адлия маслаҳатчиси, генерал-майор махсус унвонига эга Абдуғаффор Солиҳовнинг номзоди илгари сурилди ва бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, мажлисда ташкилий ўзгаришлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Бундан ташқари, Республика кенгаши ва Ижроия қўмига аъзолари таркибига ўзгартириш киритилди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси фаолиятини янада жонлантириш, ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари мазмунини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш каби долзарб масалалар юзасидан келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»

Ижтимоий шериклик: ИМКОНИЯТЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ўртасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ягона жамоа шартномаси амал қилмоқда. Натижада тармоқ тизимидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояланиши билан бирга, бандликни таъминлаш, меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишлар сифатини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинапти.

Жамоа шартномаси орқали ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш механизминини янада ривожлантириш мақсадида Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида Ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўшма тadbирлар режаси ҳам қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ ҳар йили «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиаллар раҳбарлари ва ходимлари малакасини ошириш, фаолиятларини янада самарали ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам беришга йўналтирилган ўқувлар ўтказилмоқда. Ўқувлар давомида касба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотига ҳамда

тининг асос солувчи конвенцияларига риоя этилиши, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан назоратни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни Ягона жамоа шартномаси воситасида ўрнатилишини таъминлаш ишлари борасида батафсил тушунтиришлар берилмапти.

Компания тизимидаги филиалларда Ягона жамоа шартномаси ижроси муҳофазасида этилиб, унда қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши ва Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофазатлаш



йилида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, жамоа шартномаси орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш натижасида «Ўзбектелеком» АКда меҳнат қилаётган жами 16 минг 460 нафар ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақида муайян ўсиш кузатирилган. Хусусан, «Ўзбектелеком» АКнинг Самарқанд филиали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 822 000 сўмни ташкил этиб, тариф сеткасининг коэффициенти 1,66 баробарга оширилган ҳолда белгиланган. Ҳисобот даврида жами 135 нафар ходим ишга олинган бўлиб, уларнинг 74 нафари таълим муассасаларини битирган ва илк бор ишга кирган 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этган. Ноқулай иқлим шароитида фаолият юритаётган 346 нафар ходимга лавозим маошининг 15 фоизи миқдорида, жами 368,3 миллион сўм устама ҳақ тўлаб берилган. Шунингдек, соҳада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга лавозим маошининг 5 фоизидан 30 фоизгача бўлган миқдорда кўшимча ҳақ тўланиб, бунинг учун 710 нафар ходимга 1 миллиард 696 миллион сўм маблағ сарфланган. Байрамлар арафасида филиалнинг 958 нафар ходимини рағбатлантиришга эса 1 миллиард 344 миллион сўм маблағ йўналтирилган.


Бундан ташқари, ходимларнинг меҳнат шароитлари, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитария ҳолатларини яхшилаш тadbирлари учун 133 миллион сўм маблағ сарфланган. Шу жум-

ладан, ноқулай меҳнат шароитида фаолият юритаётган 353 нафар ходим махсус кийим-бош ва пойабзаллар билан таъминланган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун 939 нафар ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 0,7 баробари миқдорида моддий ёрдам пуллари ажратилган.

Жамоа шартномалари орқали ёш ходимлар ва уларнинг оилалари ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланаётгани ҳам қувонарли ҳол. Хусусан, «Ўзбектелеком» АКнинг Самарқанд филиалида жамоа шартномаси орқали биринчи мартаба қонуний никоҳдан ўтган 16 нафар ходимга меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,76 баробари миқдорида моддий ёрдам берилган.

Шу билан бирга, «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиалининг Сўх ва Тошлоқ тумани телекоммуникация боғламалари меҳнат жамоаларида Республика кенгаши масъул ходимлари иштирокида «Очиқ мулоқот» тарзидаги давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу давра суҳбатларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига оид саволларга тегишли жавоблар ҳамда тавсиялар, шунингдек, Ягона жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти, унда ходимлар учун белгиланган имтиёз ва қофоллар тўғрисида батафсил тушунтиришлар берилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари



Наманган вилояти

Наманган шаҳар «Ободонлаштириш» бошқармасида ишловчилар ҳаёти хавф-хатардан холи бўлиши учун профилактик тadbирлар уюштирилмоқда.

МЕҲНАТ ҲАЁТГА ХАВФ СОЛМАСИН!

Хар ойда Хавфсизлик техникаси кўни ўтказилиб, натижа ишчи-ходимлар малакаси асосида таҳлил этиб борилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ишчи-хизматчилар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётди.

Зеро, ходимларнинг меҳнат хавфсизлиги асосий мақсадига айланган корхонада натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Одилжон ЖҲРАБОЕВ



Самарқанд вилояти

«Ишингизда шароитлар етарлими?»



Самарқанд туризм марказини бунёд этишдек масъулиятли иш «Enter Engineering Pte. Ltd» компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳаллий ҳамда Туркия, Италия, Сербия, Россия каби давлатлардан келиб меҳнат қилаётган муҳандис ва ишчиларни учратиш мумкин. Ана шу кўлами кенг вазифа ижрочилари шарт-шароитлари билан ҳам танишилди, мулоқот қилинди. Мазкур ташкилот меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари Фарҳод Курбоннинг эътирофи эътишчи, корхонада 7,5 минг нафар ходим ишлайди. Айни вақтда уларнинг 2,5 минг нафари меҳнат таътилига чиқарилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши ва Самарқанд вилояти бандлик бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда меҳнат муносабатлари масаласига эътибор қаратилди.

– Муносиб меҳнат шароити дейилганда аскар иш берувчилар ходимларни иш билан банд этиш ва ҳақ тўлашга эътибор қаратишни тушунилади, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат инспекцияси инспектори Усмон Каримов. – Ваҳоланки, бу йўналиш қамрови анчайин кенгроқ. Меҳнат та-

лабларининг энг устувор жиҳатида ишлаб чиқариш суръати эмас, балки инсон омили юқори ўринларни банд этмоғи лозим. Маълумки, Самарқанд шаҳридаги Қорасув массиви бунёдкорлик авжига чиққан ҳудудлар сирасига киради. Қурилиш ташкилотлари орасида «Agrim Building» МЧЖ салмоқли вазибаларни бажариб келмоқда. Шу чоққача мазкур

корхона томонидан 10 255 та оила учун 12, 16, 25 қаватли уйлар қуриб битказилди. Бугунги кунда яна 18 та кўп қаватли уйни бунёд этишда 2354 нафардан ортиқ муҳандис ва ишчилар хизмат қилмоқда. Иш икки навбатда ташкил этилган. Барча қурувчилар махсус кийим-кечак ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминланган. Аммо кечки навбатда ишлаётганларни махсус иссиқ кийим-кечаклар билан таъминлашга эътибор қаратилмапти. Бу ҳақда мутасаддиларга тегишлича тушунча берилди. Қурувчилар билан меҳнат ҳуқуқи юзасидан мулоқот ташкил этилди.

Самарқанд туризм марказини бунёд этишдек масъулиятли иш «Enter Engineering Pte. Ltd» компанияси томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳаллий ҳамда Туркия, Италия, Сербия, Россия каби давлатлардан келиб меҳнат қилаётган муҳандис ва ишчиларни учратиш мумкин. Ана шу кўлами кенг вазифа ижрочилари шарт-шароитлари билан ҳам танишилди, мулоқот қилинди. Мазкур ташкилотда меҳнатни муҳо-

фаза қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари Фарҳод Курбоннинг эътирофи эътишчи, корхонада 7,5 минг нафар ходим ишлайди. Айни вақтда уларнинг 2,5 минг нафари меҳнат таътилига чиқарилган. Ҳар ҳафта барча ишчи-хизматчиларга меҳнат муҳофазаси бўйича тушунчалар, махсус кийим-кечак, каска, қўлқоп ва шахсий гигиена воситалари берилди. Айниқса, кечки навбатда ишловчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Меҳнат майдончаларининг етарлича ёритилиб, хавфсизлик камарлари, ёриткич ва иш қуроллари билан таъминланиши қатъий назоратга олинган.

Ургут туманида жойлашган «ЎЗБАТ» қўшма корхонасида ҳам ходимларга яратилган шароит, меҳнат муҳофазаси талабларига амал қилиш тартибига эътибор қаратилди. Корхонада 226 нафар ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. Меҳнат қилаётган аёллар сони 19 нафарни ташкил этади. Мавсум талабидан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида 400 нафаргача мавсумий ишчилар ишга қа-

бул қилинар экан. Улар уч маҳал иссиқ-овқат, ишчи кийимлари билан етарлича таъминланган. Ходимларнинг ишга қатнаши учун автобуслар ажратилган. Саломатликларини муҳофазатлаш, фарзандларини соғломлаштиришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Танишув жараёнида бандлик ва касба уюшмалари мутахассислари томонидан корхонага ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам ишга олиш ва шарт-шароитлар яратиш юзасидан тавсиялар берилди.

– Касба уюшмалари билан ҳамкорликда вилоятдаги бир қатор корхоналардаги меҳнат тартиблари устидан жамоатчилик кузатuvi ўтказилиши ўз самарасини беришига ҳеч шубҳа йўқ, – дейди Самарқанд вилояти бандлик бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Жонибек Азимов. – Эндликда меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш юзасидан фаолиятимизни мувофиқлаштириб бора-

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти



Эътибор

«Умид гулшани» санаторийсида тиббиёт муассасаларида эл саломатлиги йўлида фидойилик билан хизмат қилаётган 20 нафар тиббиёт ходими ва 10 нафар «Ибратли аёл» рўйхатига киритилган пойтахт маҳаллаларининг фаол аёллари бепул соғломлаштирилди.

Дам олувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли маданий-маърифий тadbирлар уюштирилди.

– Малакали тиббиёт ходимлари саъй-ҳаракати боис соғлигимизда ижобий ўзгаришларни ҳис қилдик. Муолажалардан бўш вақтимизда хушовоз хонандалар иштирокида концерт дастурлари ҳамда Тошкент вилоятининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар кўнглимизга сурур бахш этди, – дейди Навоий вилояти тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Дилдор Акрамова.

– Камтарона меҳнатимизни юксак баҳолаб, санаторийда бепул дам олишимизда бош-қош бўлган барча инсонларга миннатдорлик билдирамиз, – дейди Шайхонтоҳур туманилик Малоҳат Содикова.

Дам олувчилар санаторийдаги хар бир кун эсда қоларли, унутилмас таассуротларга бой тарзда ўтганини эътироф этишди.

Маҳмуда МҲРЗАЕВА,
Санатор-курортлар бошқармаси
Ўқув-услубий маркази маданий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

«Эҳсон дарахтига япроқ бўл, инсон!»

Халқ билан мулоқот

Мен узоқ йиллар Бухоро вилоятининг турли туманлари ички ишлар бўлимида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилдим. Ҳамиша виждоним амри билан иш кўрдим. Эл-юрт, ота-онам, оилам ва ҳамкасбларим олдида доимо юзим ёруғ бўлди. Эндигина пенсияга чиққан кезларим менга **Ғиждувон тумани Халқ қабулхонаси** мудири вазифасини ишониб топширишди.



Табиики, бундай ҳолатда худудда иш-сизликнинг мавжудлиги уят ҳисобланади. Шунинг учун ҳам нуруний усталар билан ҳамкорликда хунармандчиликнинг йўқолиб кетаётган турларини замонавий тарзда қайта тикладик. Аҳоли бандлигини босқичма-босқич таъминлашда «Хар бир оила – тадбиркор» дастурининг ишга тушиши, «Устоз – шогирд» мактаблари, оилавий хунармандларнинг ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ва солиқлардан озод қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олдимида турган навбатдаги вазифаларни вақтида бажариш, доимо одамлар дарди билан яшаш – бугунги давр талаби. Шу йил 23 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз вазирлик ва идоралар ўзи йўналишида энг кўп келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилиб, уларга аниқ ечим топилари шартлигини алоҳида уқтириб ўтди. Шунга кўра, сектор раҳбарлари томонидан ту-

«Памуза» маҳалласида истиқомат қилувчи 2-гурух ногирони Ихтиёр Аллаевнинг оила аъзолари топган пул рўзгордан ва дори-дармондан ортагани туфайли табиий газ ва электр энергияси тўловларидан қарз бўлиб қолишган экан. Шу боис уларнинг қарзи тўлиқ тўланди. «Қўрғон» маҳалласида яшовчи Дилноза Ҳазратовага оилавий шароитини ўнглаб олиши учун битта патдўзи тикув машинкаси совға қилинди. «Оқғул» маҳалласида умргузаронлик қилувчи ногирон эр-хотин Муродовларнинг кўрimsиз холга келиб қолган уйи таъмирлаб берилди.

Булардан ташқари, аҳолининг мурожаатига асосан, туман марказидаги ташландиқ қолга келиб қолган «Бозори қаймоқфурушон» масжидида таъмир ишлари бошлаб юборилди. Жиндакон ва Лабирўт қишлоғига қарашли «Хўжа Машҳад» қабристонига куз, қиш мавсумидаги ёғингарчилик туфайли сизот сувлари кўтарилишини бартараф этиш учун тик кудуқ ўрнатилди. Маҳаллақун-жақ қишлоғи аҳолининг электр таъминоти билан боғлиқ илтимоси қаноатлантирилди. Оқработлик Роила Сафаровага уч нафар, Кўҳна оқработлик Умрзоқ Болтаевга бир нафар талаба фарзандининг контракт пулини тўлашда ёрдам кўрсатилди.

Оғитма овули туман марказидан 170 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда болалар боғчаси йўқлиги ота-оналарни йиллар давомида қийнаб келган. Бундан сал олдин эса ушбу гўшада яшовчи Айнур Бердиева уй-боғча очиб ташаббуси билан чиқди. Унинг бу ҳақдаги мурожаати Халқ қабулхонаси томонидан ўрганиб чиқилди ва ижобий яқун топди.

Сирасини айтганда, Президентимиз халқ билан ҳамнафас бўлиш мақсадида жорий этган халқ қабулхоналари одамлар ишончини оқламоқда. Бу жуда шарафли иш! Қолаверса, Ҳожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний «Эҳсон дарахтига япроқ бўл, инсон!» деган гапни бежиз айтмаган. Зеро, эҳсон соясида инсон баҳра оладиган улкан ва мангу яшил дарахт. Унинг бир япроғи бўлиш эса катта бахт!

Усмон РАЖАБОВ,
Ғиждувон тумани Халқ қабулхонаси мудири



БИЗ НЕГА АЖНАБИЙ СЎЗЛАР ИШҚИБОЗИМИЗ?

Яқинда қоғоз-қалам, ручка, дафтарлар сотадиган бир дўкончага кириб, у-бу нарса харид қилаётгандим, ёши бир жойга борган кишининг, нарсалар устидаги ёзувларни ўқий олмай, норози сўзлаганини эшитдим.

– Наҳотки, оддий қисқични ҳам четдан олиб келишасиз? Устидаги ёзувга қаранг – инглизча, арабча, русча... Аммо ўзбекчаси қани?

Нарсаларга қарайман: nowetbook, pencil, paper, mated, ballon, color pencil, happy bithdey, correction pen, redmty, хуллас, барчаси инглизча, онда-сонда русча ёзувлар кўзга ташланади. Ўзбекча нарсанинг ўзи йўқ, бор бўлса, унга ҳам инглизча тамга босилган. Таажжубга солади кишини – дўконлардаги нарсалар, кўчалардаги реклама-лар, дўконлар ва кафедалар номлари бари инглиз тилида. Қаерда яшашадигани билан қоламан.

ЎЗБЕК ХАЛҚИДА ИНТЕРНАЦИОНАЛ-ЛАШУВГА МОЙИЛЛИК КУЧЛИ. ШУ САБАБЛИ ЎЗБЕК ТИЛИДА КўПЛАБ ТИЛЛАРГА ОИД СЎЗЛАР ВА ИБОРАЛАРНИ УЧРАТИШ МУМКИН. ЎЗБЕК ХАЛҚИДАГИ БУ ЧЕТ-ЭЛМАНИЯЛИК ГОҶО ЧЕТЭЛПАРАСТИК ДАРАЖАСИГА ЕТАДИ.

Не в а р а м инглизча саломлашадиган, «хов а ю» деб, сўрашадиган қилиқ чиқарди. Бошқа индамим. Қарасам, ота-онаси ва кичик синглисига ҳам инглизча бидирлапти. Суриштирсам, мактаби чет тилини билса, яхши ўзлаштира, 100 миллиондан 500 миллионгача мукофот олар эмиш. Шунинг учун бутун мактаб инглизча гапиришга ўтиб-дим.

Кизиқ, ҳали она тилини тузукроқ ўрганмаган болаларни чет тилига меҳр қўйишга ўргатиш тўғримикин?

Яна қизиқ. Нега ўзбек тилини яхши ўзлаштирган мактабларга, болаларга ўша мукофотларнинг ўндан бирини ҳам раво кўришмайди?!

Ўзбек тили гўзал, грамматик ва лексикологик бойиш хусусиятларига эга тил. Унда ҳар қандай интернационал, тиббий ёки техник фикрларни ифодаласа бўлади. Азиз Каюмов шундай дерди: «Домлам Эдуард Евгеньевич Бертельс «форс ва турк, ўзбек тилларини билмай, Шарқ цивилизациясини билиш мумкин эмас».

Устозинг ўзи 90 ёшидан ошган, инглиз тилида ўқиш ва ёзишга киришган. У ўзбек тилига хос нафисликни инглиз тилига татбиқ этишмоқчи эди...

Инглиз тили глобал воқеликка айланиб бормоқда. Бугун жаҳондаги адабиётлар ва ахборотларнинг деярли 55 фо-

зи инглиз тилида тарқатилади. Шундай экан, инглиз тилини билиш глобаллашётган дунё билан интеграцияга киришиб яшаш имконини беради.

Ўзбек халқида интернационаллашувга мойиллик кучли. Шу сабабли ўзбек тилида кўплаб тилларга оид сўзлар ва ибораларни учратиш мумкин. Ўзбек халқидаги бу четэлпарасптик даражасига етади.

Унинг инглиз тилини тарғиб этишдаги бугунги «жонбозлиги» ана шу четэлпарасптикнинг давомидир. Бу ҳислат форс, араб, мўғул ва руслар тазйиқига шаклланади.

Баъзи мутахассислар XXI аср охирига келиб инглиз тили монополистик тилга айланади, деб башорат қилишмоқда. Бу ж а р а ё н д а н миллий тилларнинг чеккада қолиши қийин. Биллингвизм реаллигимизга айланади. Аслида, бу ёмон эмас.

Лекин ўзбек халқининг ва ўзбек тилининг инглиз тили монополизацияси пайтида мавқеи қандай бўлади, деганимиз.

Монопол таъйиқига тушган объект – муассаса, халқ, маданият, тил ўзбек тилининг инглиз тили суверенитетини йўқотади, агар монопол демократ бўлса, раҳм қилса, у тор, локал доирада сақланиб қолиши мумкин. Объект ассимиляциялашувга, ўзининг имманент, тарихий белгиларини унуттишга мажбур. Кўп этнослар ва цивилизациялар шундай таъйиқлар туфайли тарих саҳнасида туншиб қолган.

Таниқли файласуф, сиёсатшунос С.Хантингтон, XXI аср маданиятлар тўқнашуви даври бўлади, деб башорат қилган. Аслида, у, бу аср маданиятни монополизациялашга қарши курашлар даври бўлади, деганимиз. Четэлманияликдан халос бўлмай, бу курашларда ўзликни асраш ва намоён этиш қийин.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

Мушоҳада

ЛУДОМАНИЯ

ЭПИДЕМИЯСИ

қанча-қанча умрнинг заволига айланмоқда?

Лудомания – ўйинларга қарамлик демек. Унга кўра, кўпинча буюм ёки пул тикиладиган ҳамда ортиқ даражада қизиқиш уйғотадиган қимор ўйинларига муккасидан кетган киши реал ҳаётни ва ўзлигини унутиб қўяди. Охир-оқибат жамиятда ва оилада ўрнини йўқотади, касб-коридан айрилади.

Сўнги пайтлар дунёда пулли автомат ўйинлар, казино ва букмекерлик идоралари кўпайгани боис лудоман-беморлар сони ҳам ошди. Ғолиблик ҳам, мағлублик ҳам уларда бирдек мотивация уйғотиб, ўйинда қайта-қайта қатнашишга ундамоқда.

1970 йили Англияда қимор ўйинларига қизиқиш ўта авжга чиқди. Бу ҳолат «лудомания эпидемияси» деб баҳоланди. Гўё барча одамлар ўз вақтини пулли ўйинларга бағишлагандек, кинотеатрлар бўм-бўш бўлиб қолди.

Лудоман назоратни батамом йўқотади, фикру ёди ўйинда бўлади. Ўйнаётганида ўзини эркин ҳис қилади, реал ҳаётга қайтса, масалан, ўйинни тўхтатиб, овқатланишга ўтирса, безовталана бошлайди.

Боши оғрийд, уйқуси бузилади, иштаҳаси бўғилади, кайфияти тушади, диққатини жамлай олмайди.

Кимшди савдоси лудоманлар учун қалтис жараён. Иштирокчилар оғзига сиққанини айтгани сайин бу касалликка чалинган киши илҳом-



Агар ота-оналари ўйиндан чекласа, тақридан қўйса, қайсарлиги тутиб, асабий бўлиб қолишади.

Ўйинларга ҳаддан зиёд ружу қўйиш ҳам, ундан тўсатдан буткул айрилиш ҳам боланинг асаб тизимига фожали таъсир кўрсатади. Шундай экан, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаган ҳолда ўша ўйинлардан аста-секин ва самарали усуллар ёрдамида ажратиб керак. Бунда психотерапевт тавсиялари асқатади.

Албатта, мутахассис учун ушбу тоифадаги мижоз билан ишлаш анча мушкул. Чунки унинг бемори кўп ёлгон гапиради, руҳиятида рўй бераётган безовталикларни ошқор қилгиси келмайди. Ўзини психолог ёрдамига ва муолажаларга муҳтож деб ҳисобламайди, аксинча, пала-партиш ҳаёт кечирганини афзал кўради.

Лудомания ис-ланаверади ва нархни баландлатишда давом этаверади. Айниқса, ёшлар унинг муҳлисига айлангани сайин кўпроқ уйнашга интилади-лар. Дўстлари билан суҳбатда ҳам фақат шу хусусда сўз юритадилар.

сарфлаб тугатгач, ўғрилиқ, безорилиқ, талон-тарож қилиш каби қинғир йўллар билан пул топиш пайида бўлади. Қўлга киритганини дарҳол ўйинга тикади. Хуллас, у учун ўйин сув ва ҳаводек зарур бўлиб, ҳаёт-мамонт масаласига айланиб қолади.

Қимор ўйинларига ишқибозлик асосан эркакларда кузатилади. Борди-ю, аёл киши ҳам унга йўлиқса, анча хунук оқибатларга дучор бўлади. Ўйиндаги мағлубиятдан кейин эркак киши ичкиликбозлик келмайди. Умуман олганда, хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, ўйинга ўта берилиб кетишнинг сабаби ўз ҳаётдан норозиликка, мавжуд муаммоларга нисбатан бегоҳликка, масалалар ечими олдидаги но-чорликка бориб тақалади. Улар кундалик таъмишлардан бир оз чалғиш учун ўйинга ружу қўйишади,

бора-бора унинг домига илинганларини сезмай қолишади.

Оиладаги носоғлом муҳит, нотўғри тарбия, ота-онанинг азарт ўйинлар билан бандлигига гувоҳ бўлиш; болаликдан домини, қарта, монополия туридаги ўйинларни кўп ўйнаш; пулга нисбатан нотўғри муносабат, молиявий масалаларга юқори эътибор қаратиш; бой қариндош ёки танишларга боқимандлик; депрессия таваккалчиликка асосланган ўйинларга қарамликни келтириб чиқарувчи асосий омил ҳисобланади.

Энг муҳими, лудоманни кечиктирмай даволаш шарт. Акс ҳолда, у «зомби»га айланади. Бу босқичда эса уни нотўғри йўлдан қайтариш жуда қийин.

Лудоманиянинг яна бир оғир асорати – ўз жонига қасд қилиш. Мағлуб бўлган ўйинчи ҳаётдан татоман тўйиб кетади ёхуд бадал учун пули қолмаса, ўлим учун энг осон ечимга айланиб қолади.

Қисқаси, оғоҳ бўлинг, ўзингизда ёки фарзандингизда лудомания унсурларини сезсангиз, дарҳол психотерапевтга мурожаат қилинг!

Дурдона АЛИМОВА



ЭЪЛОНЛАР	
Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 7-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2021 йилда «Эшонқоров Бунёд Акмал ўғли номига берилган МА № 0827596 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.	Қашқадар вилояти Миришкор тумани давлат хизматлари маркази томонидан 10.05.2019 йилда рўйхатдан ўтган (306405874) «Al-Thani Companies Group» МЧЖ КХ ўз устав фондини 2000 (икки минг АҚШ доллари) эквивалентига камайтираётганини маълум қилади.
2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2017 йилда Хасанова Дирабону Унгар қизи номига берилган К № 4901356 (рўйхат рақами 3115) рақамли диплом ва иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.	Курилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2010 йилда Низова Фаиза латхон Нурматовна номига берилган К № 18181503 (рўйхат рақами 25-07/27) рақамли диплом иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари институти жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси институт фахрийси, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, кимё фанлари доктори, профессор **Абдуфаттоҳ Йўлдошев**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

